

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта
махсус таълим вазирлиги**

**Термиз Давлат Университети
Жисмоний маданият факультети
Спорт турлари методикаси кафедраси**

**Спорт иншооти фанидан маъруза
матнлари**

(Жисмоний маданият йўналиши учун)

ТЕРМИЗ

***Термиз Давлат Университети жисмоний
маданият факультети спорт турлари методикаси
кафедраси йиғилиши қароридан кўчирма № 1***

Кўчирма

**26 август 2008 й.
шаҳри**

Термиз

Кун тартиби:

Спорт турлари методикаси кафедраси катта ўқитувчиси Н.Хўжақуловнинг «Спорт иншоотлари» фанидан маъруза матнини муҳокама қилиш.

Тингланди:

Ушбу масала юзасидан к.ўқитувчилар А.Қурбонов, Б.Тошмуродовлар ўз фикрларини билдиришдилар.

Кафедра йиғилиши қарор қилади:

Н. Хўжакуловнинг «Спорт иншоотлари» фанидан тайёрлаган маъруза матни Олий таълим талабига тўлиқ жавоб беради деб ҳисоблансин.

Кафедра мудири:

к.ўқ. А.Қурбонов.

Котиб:

ўқт. Алимов Ш.Қ.

Мавзу: Спорт иншоотлари тарихи ҳақида қисқача маълумот

Р Е Ж А:

1. Кириш.
2. Қадимги дунё спорт иншоотлари.
3. Ўрта асрлардаги спорт иншоотлари.
4. Янги ва энг янги даврларда спорт иншоотлари.
5. Олимпиада ўйинлари ўтказиш учун қурилган спорт комплекслари.
6. Хулоса.

КИРИШ

Жисмоний маданият ва спорт жамиятида меҳнаткашларнинг соғлигини, қобилиятини ошириш манбаи, ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш ва ишлаб чиқариш кучларини шакллантиришда катта захира ҳисобланади.

Бизнинг мамлакатимизда 10 миллионга яқин кишилар жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланмоқда. Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти учун замонавий иншоотлар қуриб бериш давлат ва ҳукуматимиз диққат марказида турибди, чунки бизнинг мамлакатимиз халқ соғлиги мустаҳкамлаш ёшларни меҳнатга ва Ватан муҳофазатига тайёрлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Ҳозирги кунда спорт иншоотлари қурилиши мамлакат бўйича кенг доирада олиб борилмоқда. Бу ўз навбатида спорт қурилиши умумий қурилиш ишлари соҳасида замонавий фан ва техника ютуқларига асосланган соҳага айланди.

Спорт иншоотларини қуришда спорт педагогикаси талабларини ҳисобга олган ва ўқув жараёнларининг специфик хусусиятларини асосланган ҳолда қурилиши керак. Ҳар бир спорт иншооти махсус ҳаво алмаштирувчи, иситиш, ёритиш, акустика (овоз ютувчи системага эга бўлган конструкциялар, шунингдек қўшимча ёрдамчи бинолар мавжуд. Спорт иншоотлари ҳар томонлама қулайликларга эга, эстетик жиҳатдан бежирим, спортнинг айрим олинган турлари учун мослаштирилган бўлиши шарт).

Ҳозирги вақтда бу соҳа учун махсус лойihalаштириш тутлари, қурилиш материаллари ва техникалари ишлаб чиқарувчи корхона ва завод ишламоқда.

Спорт иншоотини қуриш вақтида ундан рационал фойдаланиш ҳисобга олинган бўлиши керак. Юқорида айтилган спорт иншооти қурилиши ва уни эксплуатация қилишни ҳар бир ўқитувчи, тарбиячи раҳбар ва спорт базада ишловчи ходим бўлиш керак. Шу сабабли ҳам жисмоний тарбия соҳасида тайёрланаётган кадрларни ўқитишда «спорт иншооти» фанга алоҳида эътибор бермоқда.

Бу курснинг вазифаси қуйидагилардан иборат.

1. Спорт иншоотларини қуришда, унга қўйиладиган талаблар ва норматив кўрсаткичларни ўргатиш.
2. Спорт иншоотларидан фойдаланиш учун зарур бўлган билим ва амалий мамлакаларни ортириш.
3. Катта моддий ва пул маблағлари талаб қилмайдиган оддий спорт майдонлари қуриш тажрибасига эга бўлиш.
4. Спорт иншоотлари қуришни ташкил қилиш лойихалаштириш, қуриш маблағ билан таъминлаш ва эксплуатация қилишни билишдан иборат.

Спорт иншооти дарслигида спорт қурилиши асослари ёритишган, спорт иншоотлари классификацияси берилган, ундан ташқари ориентлаштириш, қурилиш, маблағ билан таъминлаш ва хўжалик фаолияти тўғрисида маълумот берилади.

Жисмоний тарбия ва спортнинг келиб чиқиш тарихи узоқ-узоқ даврларга бориб тақалади. Археологик казишмалар натижасида қадим замонлардаги тош асри даврида ҳам авлодларимиз махсус биноларда машқ бажара бошланган. Бундай қурилишлар Ҳиндистон, Миср (Египет) Ўрта Осиё ва Жанубий Америкадан топилган эгейлар маданияти тарихи маълумотларига қараганда Ўрта Ер денгизининг шахсий қисмларида эраמידан олдинги III-IV асрларда жисмоний тарбиянинг энг антик шакиллари мавжуд бўлган. У ерда камон

отувчи, акробатлар ва хўккиздан сакраётган одам расмлари сопол идишларга туширилган.

Кнасс саройида олиб борилган қозишмада (Крией оролидаги қадимий шаҳар) жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун қурилган махсус бино топилган. Тарихдан маълум бўлишича жисмоний тарбия машқлари Грецияда, айниқса олимпиадалар ўтказилган даврларда кенг тараққий этади.

776 йилда (эрамиздан олдинги). Ҳар тўрт йилда олимпиада ўйинлари Грециядаги Олимпия қишлоғида ўтказила бошланиши билан спорт иншоотлари қурилиши бошланади. Чунки Олимпия ўйинларига махсус тайёргарлик билан бориш учун Қулдорчилик давлат (Поли) лада (сстмийлар, панафинеялар, пифий ва немейлар) ўйини ўтказилиб турилган, унинг учун махсус иншоотлар қурила бошланган. Ана шундай стадион қолдиқлари Грециянинг Олимпия, Дельфа, Пирес, Милеете ва бошқа районларидан топилган. Антик давр стадионлари уч даврга бўлинади: Эллин, эллинистик ва қадимий Рим даврлари.

Қадимий грек шаҳарлари (полис) ҳар бир мустақил давлат ҳисобланадиган бўлиб, ўзаро фан, санъат ва спортда рақобат қилишар эди. Улар ўзаро яхши қўшничилик ва тинч мусобақалари қадимий Грецияда санъат ва спорт тараққиётига ижобий таъсир қилди. Шунингдек эллин даврнинг қурилиши архитектурасига катта таъсир қилди. Грек стадионлари ўзининг архитектурасига катталиги ва атрофидаги ландшафтига мос қурилган. Ўша давр стадион мамлакат жамоат ҳаётидаги муҳим марказга айланди.

Қадимги стадионлар асосан чопиш ва курашга мўлжалланган бўлиб, томошабинлар учун трибуна бўлмаган. Қадимги стадионларидан энг биринчиси Олимпия стадиони бўлиб, унда томошабинлар учун ҳам махсус жойлар қурилган эди. Ана шундан

бошлаб, кейинги давр учун, ҳатто биз яшаётган давр учун ходим бўлиб қолди.

Олимпия стадионнинг тупроқ йўлаклари бўлиб 20 кишига мўлжалланган. Старт ва финиш мармар плиталар билан белгиланар эди эллинистик давр стадионлари жамоатчилик маданият маркази бўлиб қолди. Трибуна нисбатан кичик қилиб қурилар эди, чунки унда асосан шаҳар аҳолиси қатнашар эди. Мисол 100 минг кишилик Милеете шаҳри стадиони.

Қадимий Рим даври эрамизнинг бошланиш давларида, яъни Империя вужудга келиш даврига тўғри келади. Эрамизнинг II асрларга келиб спортга қизиқишнинг ошиши томошабинларнинг кўпайиши туфайли Афина ва Дельфа шаҳарларида стадион кенгайтирилиб реконструкция қилинди. Ареналар кенгайтирилиб, трибуналлар мармар тошлардан қурилган. Ярим айлана шаклида қурилди, бунда томошабин учун жуда қулайлик туғдирилди. Эрамизнинг I асрида амфитеатр ҳолатида қурилиш бошланади.

Қадимий Рим амфитеатрларидан намуналар Колизей эди. Колизей уч яруслик бўлиб, II асрга келиб тўртинчи ярус ҳам қурилади. У ерда аввало хайвон жанги, кейинчалик Гладиатор жанги ўтказилар эди. Энг мухими Колизейда трибуналлар тагида кўплаб ёрдамчи бинолар бўлиб, уларга махсус тайёргарлик ўтказилар эди. Хайвонлар учун катаклар ва х.к.

Колейдан 1 км нарида қулар шаҳарчаси жойлашган бўлиб, бу оралик тунел билан бирлашган эди. Колизей устидан соя учун материал тортилган Римнинг ҳар бир йирик шаҳарида ана шундай бинолар мавжуд бўлган.

Ўша даврнинг энг йирик иншоотларидан бири аравали пойга ўтказиладиган гипподром ёки циркус Максимум бўлиб, трибунасига 25000 томошабин жойлашган. Қадимий Римда терм қурилишига алоҳида эътибор берилар эди. Улар эрамизнинг I

асридан то III асригача қурилган. Шундан энг каттаси ва бойи Диоклетиана ва Каракалла термлари эди.

Каракалла термининг майдони 120000 м, узунлиги 337 метр. энига 338 метр, деволининг қалинлиги 6 метр бўлган бинонинг ичида жойлашган. Бу термларда бир вақтнинг ўзида 3000 киши чопиши, терлаш, массаж, душ, ванна каби процедура қабул қилган, ундан ташқари иссиқ ва совуқ сувли сузиш бассейин бўлган. Им термлари нихоятда бой безак ва жихозлари билан хаммани хайратга солар эди. Деворини қимматбаҳо мрамлар билан безатилган эди.

Эрамиздан IV асрларида Рим дин давлат химоясига ўтиб олиб, у ерда ўтказиладиган хар хил томошаларга қарши кураш бошлаб юборди. Антик даврда қурилган спорт иншоотларининг кўпчилиги бузиб ташланди, чунки христиан дини инсон танаси тараққиёти ва гармоник ривожланишни инкор қилар эди.

Урта аср бошланиш даврлари жисмоний маданият ва тарбиянинг тўлиқ тушкунлик даврига тўғри келади.

X-XI асрларга келиб маълум мақсадга йўналтирилган жисмоний машқлар ривожлана бошлади.

XI асрда Шарқни савдо калониясига айлантира бошланиши, салб юришлари ва рицорлик унвони пайдо бўлиши харбий машқлар ва турнир юзага олиб келди.

XV-XVI асрларга келиб шахарларда хар хил спорт ёки гимнастика уюшмалари пайдо бўлиши билан теннис ўйнаш учун, қиличбозлик учун махсус заллар қуриш бошланди.

Биринчи сузиш бассейин Римдаги Вилла Манталько шахрида XVI асрда пайдо бўлди, Флоренциядаги Боболи боғида амфитеатр (XVII аср) қурилди. Урта аср охирларида айрим Европа мамлакатларида қиличбозлик ва тўп ўйини учун спортзал футбол майдонлари ва иншоотлари қурилди.

Европада давлат хокимиятига эга бўлган буржуазия иқтисодий тезда ўз қўлига олди. Натижада ёпиқ спорт иншоотлари қурилишига шароит яратилди. 1806-1807 йилларда йирик Милан спорт аренаси қурилди. XIX аср ўрталарида Европада катта заллари бўлган вокзал, универсал магазинлар қурилди. Шунингдек спортзал, майдончалар вужудга келди.

Европада спорт иншоотлари оммавий қурилиши фақат XIX аср охирларида бошланди, чунки шу даврга келиб спорт жамиятлари клуб ҳамма ерда кенг тарқалиб мамлакатларнинг спорт алоқалари ривожланиб Олимпия ўйинлари ўтказила бошланиши бунга катта таъсир қилди.

Энди стадион, спорт заллар, бассейнлардан ташқари киши ва сув спортлари учун иншоотлар қурилди. Олимпия спорт иншоотлари қурилишини ўрганиш процессида уларга қўйилган технологик талабалрни билиб олиш мумкин. Биринчи стадионда футбол майдони бўлмаган, фақат гимнастика, енгил атлетика (100,200,400,800) метр борьерли 110 м чопиш, сакраш, диска улоқтириш мўлжалланган эди. Биринчи олимпиада (1896 йил) Афина стадионда ўтказилди. Иккинчи Олимпия ўйинлари 1900 йил Францияда Булон ўрмонида ўтказилди. Махсус стадион қурилиши далада 313 м чопиш йўлаги, диска отиш сектори бор эди.

III Олимпия ўйинлари АҚШ да Сент-луис шаҳрида, махсус стадион қурилмади (1904 йил). IV Олимпия ўйинлари Лондон, Англия 1908 йилда бизнинг эрамиздаги биринчи стадион овал шаклида бўлиб трибунасига 70 минг томошабин сиғар эди. Аренасида чопиш йўлаги, футбол майдони бор эди, ундан ташқари велотрек 600 м, бассейн (100x16,25) қурилган эди.

Стадион трибунаси кўпроқ метал конструкцияларидан иборат эди. Шунинг учун ҳам узок сақланмади. Занглаш натижасида 1816 йилда бузишга тўғри келди.

У Олимпия ўйинларига бағишлаб 1912 йилда Стокгольм шаҳрида стадион қурилди. пахол шаклида бўлиб, футбол майдони уч нуқтали айланма йўлакга эга эди. йўлак тупроқ йўл бўлиб, финиш ва старт чизиғидан ташқари белгилар йўқ. Ядро ирғитиш жойи айланма, яъни тупроқ бўлиб ўтли сектордан ирғитилар эди. Лангарчўп билан сакрайдиган жой опилка билан тўлдирилган эди. Бамбук ҳолда ерга уйилган чизиқчага таяниб сакрар эди. VI Олимпия ўйинлари 1916 й. Берлинда ўтказилмай қолди, лекин Грюневальде шаҳрида стадион қурилди, футбол майдони 120x70 м, йўлаги 600 м, мототреги 660 м. Шу сабабли бу кейин бузилди. Кейинги Олимпия ўйинларида 1920 йил Бельгияда Антверпин стадиони (60 минг ўринли), 1924 йилда (XVII Олимпия ўйини) Парижда – «Колумб» стадиони қурилди, йўлаги 400 метр эди. IX Олимпия ўйинлари ўтказиш учун Голландиянинг Амстердам шаҳрида (1928 йил) стадион қурилиб, бош аренадан ташқари футбол майдони теннискорди 7 минг ўринли трибуна билан бассейн 50x 18 метр, кўргина тренировка ўтказиш майдонлари ҳар хил спорт турлари бўйича. Бош аренанинг ёнгинасида 5 минг ўринли спортзал, кураш учун, гимнастика учун, қиличбозлик, бокс бўйича ҳам заллар бор эди.

Стадион атрофидан ўтган канал бўйича клуб, меҳмонхоналар, қайиқлар тўхташ жойи. Стадион яқинида автостанция ва велоспед станциялари мавжуд эди. Стадионга 60 минг киши сиғган, биринчи бор металдан айвон қурилган бўлиб, ёнғиндан сақланиш мумкин эди.

Трибуна тагида ёрдамчи бинолар бўлиб ҳар хил хизматхоналар жойлашган эди.

АҚШ нинг Лос-Анжелес шаҳрида X Олимпия ўйинлари учун 100 ўринли стадион қурилди. Футбол майдони 105x70м 2 айланма йўлакка эга 400 метр ва 450 метрга эга.

XI Олимпия ўйинлари 1936 йилда Берлин шаҳрида тузилган Грюневальдо стадиони жойига 100000 ўринли стадион қурилди. Футбол Стадионнинг йўлаги керамикали бўлиб қурилди, ана шу йўлакда Д.Оуж 100 м. биринчи бор 10,2 секунда югуриб ўтди. Майдони 90 га очиқ бассейн, машқ учун майдонлар, футбол майдони ва бошқа иншоотлар қурилган эди.

XV Олимпия ўйинлари учун Хельсинкида 1950 йилда 60 минг ўринли, 1956 йилда эса Мельбурн (Австралия) 100 минг ўринли стадионлар қурилди. Анашундай 80 ва 100 минг ўринли стадионлар 1960 йилда Римда, 1964 йилда Токиода қурилди. XIX Олимпия ўйинига бағишлаб Мехико 1968 йилда «Эстадио олимпико». 1965 йилда энг яхши ва чиройли стадионлардан бири Ацтека стадиони 105000 ўринли қилиб қурилди. Ундан ташқари махсус спорт саройлари, спорт комплекслари «Алберна олимпика» ёпиқ бассейнлар ва гимнастика заллари билан «Кузманка» эшкак эшиш канали 2700 м, эни 125 метр. 5 минг ўринли трибуна. Қайта қурилган иншоотларга, яхши клуб белстрек «Велодромо олимпико», стадион «Истадио муниципаль», қиличбозлар зали ва бошқалар.

1972 йилда Олимпия ўйинлари учун Мюнхел шаҳрида бутун бир комплекс қурилди унда стадион дярли ёпиқ эди. Ҳамма спорт ареналари бир жойда жойлашган. Токио олимпиадасидан кейин ишлаб чиқилган символини эмблема ва бошқа белги ўйинлар қайтарилмас кўриниш берарди.

Шундай қилиб жисмоний тарбиянинг тарихий тараққиёти даври, спорт ва гимнастика тараққиёти, турнирлар, халқаро мусобақалар ўтказилиши, айниқса янги-янги спорт жамиятлари,

бирлашмалари ва клублар пайдо бўлиши билан спорт иншоотлари қурилишига талаб ошди. Спорт иншоотлари сон ва сифат жихатидан кўпайиб борди.

Хозирги замон Олимпиада ўйинлари ўтказила бошланиши буларга катта туртки бўлди. Дунёдаги турли мамлакатларда йирик Олимпия иншоотлари қурилди.

Мавзу: Спорт иншоотлари классификацияси ва категориялари

Р Е Ж А:

1. Кириш.
2. Спорт иншоотлари классификацияси.
3. Спорт иншоотлари категориялари.
4. Спорт майдонлари (баскетбол, волейбол, кўл тўпи, бадминтон ва теннис).
5. Городки учун майдонча.
6. Гимнастика, акробатика ва умумий жисмоний тайёргарлик учун майдончалар.
7. Хулоса.

Кириш

Мамлакатимизда ҳозирги даврда жуда кўп спорт иншоотлари билан бирига миллионлаб оддий спорт комплекслари ва майдонлари шуғулланувчилар ихтиёрига топшириб қўйилган. Улар минг-минглаб мутахассислар, ишчи ва хизматчи, техниклар, шифокорлар ва бошқа касб эгалари ишлаб турибдилар. Спорт иншоотларининг ишини бошқариш, эффе́ктив ишлашини таъминлаш кўпинча, уларни доимо санитария гигиеник талаб даражасида сақлаш. Уларда ишловчи мутахассислар ва бошқа хизматчиларни маош билан таъминлаш учун конкрет категория ва класслар белгиланган бўлиши керак. Бугунгача ҳам спорт қурилиши амалиётидан спорт иншоотлари учун умумий бир классификация мавжуд эмас. Кўпчилик мамлакатларда бу нарса ҳар қайси ўзларига спорт иншоотлари учун мамлакат ичкарасидагина категория ва класс белгилаб олишган.

Жумладан бизнинг мамлакатимизда ҳам жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси томонидан 1970 йил 26 март қабул қилинган. «Спорт иншоотлари янги классификациясини спорт иншоотларининг бир вақтда қабул қилиш нормалари ва спорт иншоотлари намунавий низомини тасдиқлаш тўғрисида» қарорида Ўзбекистонда спорт иншоотларининг ягона классификацияси қабул қилинди ва унга амал қилинмоқда. Бу классификация спорт иншоотларини лойихалаш ва қуришда махсус лойихалар тайёрлаш сифатида яхшилаш, спорт иншоотлари тармоқларини ҳисобга олишда муҳими хужжат бўлиб хизмат қилмоқда. Шунингдек, буя гона классификация спорт иншоотлари категорияларини белгилаш, рўйхатга олиш ва паспортлаштиришда фойдаланилмоқда.

Спорт иншооти бу махсус қурилган ва шунга мувофиқ жихозланган очик ёки ёпиқ типдаги иншоот бўлиб, спортнинг ҳар хил туридан ўқув-тренировка процессини тармоқлари, бу турмуш, маданий ва соғломлаштириш ишларни шаҳар ва қишлоқ аҳолисини ўртасида олиб боришга хизмат қилади.

Аҳоли яшаш пунктлари қурилиши структураси режалари асосида қурилган спорт иншоотлари қуйидагича бўлинади:

1. Микрорайонларда (микрорайон, турар жойлар ва айрим уйлар, маҳала қошидаги).
2. Туманлардаги (туман аҳолисига хизмат қилади).
3. Туманлараро (бир неча аҳоли яшайдиган туманлар ўртасидаги).
4. Умумий шаҳар учун (барча шаҳар ёки посёлка аҳолисига хизмат қилади).

Фойдаланиш характери ва хусусиятига қараб қуйидагиларга бўлинади:

1. Ўқув-спорт иншоотлари, фақат ўқув – спорт процессини учун мўлжалланган.
2. Намойиш иншоотлари, томошабинлар иштирокида мусобақа ўтказишга мўлжалланган.
3. Аҳоли дам олиши учун мўлжалланган.

Ўқув спорт иншоотларига ўқув юртлари, мактаблар, лицей, коллежлар, институтлар ва катта спортчилар тайёрлаш ўқув спорт марказлари базалари киради.

Томошабинлар учун махсус жойлар мавжуд иншоот намоиш (демонстрацион) иншоотлари деб аталади. Буларга стадионлар, спорт саройлари, универсал майдонлар, велотренлар ва бошқа ўтириш учун трибуна, скомейка, стуллар, шунингдек, туриб томоша қиладиган жойлари бўлган базалар.

Аҳоли актив дам оладигн спорт иншоотларига дам олиш зоналари, истирохат боғлари, ўрмонлар қошида, тоғлар этагида ташкил қилинган соғломлаштириш спорт базалари киради. Булардан ташқари махсус даволаш соғломлаштириш, болалар спорт машғулотларини ўтказадиган иншоотлар ҳам бўлади. Спорт иншоотларини архетиктура режа ва конструктив ҳажмига қараб ҳажамлик (объемние) ва текислик (плоскосное) иншоотларига бўлинади. Ҳажмлик иншоотларига спорт заллари спорт саройлари, ёпиқ бассейн ва манежлар, текисликдаги эса футбол майдонлари, спорт ўйинлари майдончалари, енгил атлетика ва конкида учиш йўлаклари, чанги ва тоғ чанғиси трассалари, кросс чопиш масофалари ва бошқалар.

Спорт иншоотлари классификацияси Ўзбекистонда қўлланилаётган классификациясига мувофиқ спорт иншоотлари, уларнинг қувватини ҳисобга олган тақдирда махсус, айрим спорт турлари учун мўлжалланган (фақат сузиш бассейни, спортзал, велотрек, майдонлар йўлаklar ва х.к) ва комплекс спорт иншоотлари (бир неча мустақил, лекин бир жойда жойлашган ёки бир бинода жойлашган иншоотлардан иборатдир (стадионлар, спорт саройи, бир неча ховузлик бассейн, бир неча залга эга бино ва х.к.).

Спорт иншоотлари режалаштириш ҳажмига қараб очик ва ёпиқ бўлади. Ёпиқ иншоот бу ўқув спорт ишлари, мусобақалар ёпиқ залларда спорт саройлари ва х.к. ўтказилади. Очик иншоотга барча очик ҳавода яъни бинодан ташқарида жойлашган спорт базалари киради.

Ҳар бир спорт иншооти ўз структурасига кўра учта элементдан иборат:

1. Асосий иншоот.
2. Ёрдамчи спорт иншооти.

3. Томошабинлар учун курилма.

Асосий иншоотларда жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари ўтказилади. Агарда спорт иншоотлари фақат ўқув спорт ишларида мўлжалланган бўлса, у ҳолда томошабинлар махсус жой бўлмайди.

Асосий иншоот ҳажми, кенглиги, баландлиги, жихозлари давлат стандарт нормаларига мос спорт турлари қоидаларига мувофиқ бўлиши шарт.

Ёрдамчи бинолар шуғулланувчилар ва мусобақа қатнашчиларига хизмат қилади. Бунга: гардероблар, ечиниш хонаси, ювиниш, массаж, мураббий – ўқитувчилар, врач хоналари, методик кабинет, хакамлар хонаси, спортчилар учун хамом ва бошқа хоналар.

Бундан ташқари спорт иншоотларидан фойдаланишни таъминловчи хизмат учун , яъни маъмурият, хўжалик, инженер-техник ходимлар, иситиш, ёритиш ва радио эшиттириш хизмати учун хоналар.

Томошабинлар учун трибуна (доимий ва кўчма) скамейкалар, стуллар туриш учун жой. Вестибюл, фойе, буфетлар, дам олиш хоналари, хожатхона киоскалар ва х.к.

Спорт иншоотлари классификациясида ягона терминлар қабул қилинган. Қуйидаги қисқача намунавий характеристикани келтирамиз.

1. Очиқ махсус спорт иншооти. Баскетбол майдони махсус текисланган тўғри бурчакли махсус ишланган ва белгиланган майдонча бўлиб, белгиланган ва жихозланган бўлади.

2. Очиқ комплекс спорт иншооти, стадион комплекс иншооти бўлиб, составида трибуналлик спорт аренаси, майдончалар, футбол майдони, енгил атлетика йўлаги ва сакраш

секторлари. Махсус ёпиқ спорт базалари ҳам бир жойда жойлашган бўлади.

3. Ёпиқ махсус спорт иншооти: Спортзал айрим спорт турига мўлжалланган спорт машғулотлари ва мусобақаларни айрим турлари бўйича ўтказиш мумкин бўлган бино.

4. Ёпиқ комплекс спорт иншооти, комплекс бассейн, махсус қурилган бир неча ҳовузга эга бўлиб, ўзининг инженер техник кўрсаткичи ва жихозлари билан спорт машғулот ва мусобақалари ўтказишга мўлжалланган база. Бунда сузиш, сувга сакраш, сув полосидан мусобақа ўтказиш, болаларга сузишни ўргатиш учун шароит яратиш.

Спорт иншоотлари категорияси

Бир турдаги спорт иншоотлари ўзининг қувватига қараб категория (гурухларга) ажратилади. Категорияларга ажратиш давлат қўмитанинг 13 июль 1967 йил. Мехнат ва маош давлат комитет ива ВЦСФЦС келишиб қабул қилган қарори асосида амалга оширилади.

Спорт иншоотлари асосан олти категория (группа) бўлинади. Унда қуйидаги кўрсаткичлар ҳисобга олиниши шарт:

1. Трибуналлардаги ўтириш жойлари ва очик спорт майдонларининг сони(стадион).
2. Бассейинда ҳовуз (ванна) лар сони ва қуввати.
3. Спорт саройида трибунадаги ўтириш жойини сони ва сунъий музгалтак мавжудлиги.
4. Ўқув спорт базасида мавжуд очик ва ёпиқ иншоотлар ва спортчилар учун яшаш учун жойларнинг сони.
5. Чанғи базасида мавжуд бўлган чанғилар сони.

6. Ўқ отиш комплексида жихозланган тирнинг механизациялашганлиги.
7. Овчилик отиш майдонида траншея ва айланма стендлар сони.
8. Қайиқ сонига қараб (гребля базаси, яхлит-клуб ва сув мотор база).
9. Комплекс майдонларда алохида иншоотлар сони.
10. Трамплин қуввати, сакраш узунлиги масофаси (чанғида сакраш трамплини).
11. Алохида қурилган спортзаллар состави.

3 жадвалда спорт иншотларининг категорияларини белгилаш турларига қараб келтирилган.

Барча кўрсаткичлари билан категорияларга кирмайдиган спорт иншоотлари ҳам бор. Буларга Тошкентдаги Митрафонов номли сув спорти саройи, ёпиқ стадион, Жиззах, Фарғона, Андижон, Самарқанд, Наманган, Бухоро ва бошқа шаҳарлардаги спорт саройлари.

Қабул қилинган кўрсаткичларга асосан спорт иншоотлари учун 1-11 категорияларни Ўзбекистон давлат спорт қўмитаси белгилайди. Қолганларини эса республика давлат қўмиталари белгилайди.

Бу категорияларга кирмайдиган спорт иншоотлари Ўзбекистон меҳнат ва иш ҳақи бўйича Давлат қўмитаси аниқлайди.

Мавзу: Спорт ўйинлари учун майдонлар

Р Е Ж А:

1. Спорт майдонларининг белгилари ва хажми.
2. Майдончаларнинг қурилиш режалари.
3. Майдончаларни қуриш ва текислашда ётқизиладиган материаллар конструкцияси.
4. Табиий тупроқ ётқизилган майдонлар қуриш.
5. Майдонларни сунъий қурилиш материаллари ётқизиш билан қуриш.
6. Майдончаларни белгилаш ва жихозлаш.

Спорт ўйинлари учун қурилган майдонлар текислик иноотлар группасига кириб, махсус қопламга, белгилар ва жихозларга эга қурилиш кенглигини аниқлаш учун унинг уйи ва қурилиш кенглигини аниқлаш зарур. Ўйин майдони кенглигини аниқлаш зарур. Ўйин майдони кенглиги мусобақа қоидасига биноан белгиланади. Қурилиш майдонининг кенглиги ўйин майдони кенглигидан катта бўлиб, хавсизлик зонаси ҳам киради, табл. №4 да асосан спорт майдончалари кенглиги берилган.

Спорт майдончаларининг қабул қуввати мисол 10-24 кишини ташкил қилса, (10) 03 сон спорт мастерлари (24) кўп сон эса энди бошлаб шуғулланувчиларни билдиради. Бошқа ўрта разряддаги спортчилар ўрта сони олинади. Халқаро баскетбол федерациясининг баскетбол учун 18x12 м, карзина баландлиги 2 м 60 см қабул қилган.

Ўйин майдончалари алохида ва аралаш жойлашган бўлиши мумкин. Айрим бир спорт тури учун бир неча майдонча бир жойда жойлашиши ёки бир неча спорт тури учун ҳам бир жойда жойлашиши мумкин.

Ориентациялаш вақтида майдончанинг бўйига ўтказилган ўрта чизик (ўқ) қуёш ёруғлиги ўйин вақтида ён томондан тушиши керак. Шунинг учун ҳам кечкурунлари фойдаланиладиган майдончалардаги ориентир меридиан чизиғи, яъни ўрта буй чизиғи (ўқ) шимолдан жанубга қараб, 15° гача ўзгариш билан ўтказиш мумкин.

Бир жойга бир неча волейбол, баскетбол ёки бошқа бир турдаги майдончаларни жойлаштириш зарур бўлиб қолса, у ҳолда уларнинг фақат учдан бир қисмини экватор чизиғи бўйлаб жойлаштириш мумкин.

Кўп этажли уйлар жойлашган районларда, уйларнинг шарқ томонига экватор чизиғи бўйлаб жойлаштириш мумкин, чунки

бундай жойлаштириш эрта ҳам кеч ҳам уйинга қуёш нури халақит бермайди.

Майдончаларни текислаш

Волейбол ва теннис майдонларини текислашда оғиш ўрта чизиғида охириги бет чизиқ томонга, баскетбол ва қул тўпи майдонларидаги оғиш маркази бўйлаб ўтказилган ўқ чизиғидан ёки томондаги чизиқларга томон бўлиши керак. Бундан ташқари вертикал текисликга тўғри келганда айрим ўзгаришлар бўлиши мумкин. табл. №5.

Вертикаль текислаш

Нотекис жойларда спорт майдончаси қуриш учун аввал уларни текислаш зарур. Текислашда ҳам у жойнинг тузилишига ҳам меҳнат сарф қилиб, ер рельефини бузмасдан майдончаларни, дренаж қурилиши ҳисобга олинган бўлиши керак.

Текислаш олдидан картограммасини ишлаб чиқиб 2x2, 3x3 квадратларга бўлиб, қанча чуқурликда тупроқ қозиб олиш ёки қанча қалинликда тупроқ солиш кераклигини ҳисоблаб чиқиш зарур. Ҳар бир квадратни текислашда қозиклар қоқилиб, ўлчами берилади ва ундан кейин иш бошлаб юборилади.

Майдончаларнинг қоплама конструкцияси

1. Текис, юмшоқ, тўпнинг яхши сакрашини таъминлайдиган, сув ўтказувчан ва ичкарида нам сақлайдиган бўлишлиги.
2. Ҳар қандай об-ҳаво шароитига чидамли.
3. Иқтисодий томондан арзон.

Майдончаларнинг махсус қопламаси ер тузилиши ва об-ҳаво шароитига боғлиқ бўлиб, энг ноқулай ер лой ва саққизлой тупроқли ерлар бўлиб, улар жудаям ёмон сув ўтказувчан бўлади.

Бундай ерларда майдонча асосида шахал тош етказиш билан қурилди. Агарда қумлоқ ва ярим қумлоқ ерларда сувни яхши шимий олишини ҳисобга олиб, қоплама юпқароқ бўлиши мумкин.

Майдончалар ер ости суви яқин бўлса, қор-ёмғир сувлари тўпланиб қолиш хавфи бўлган вақтда сувларни қочириш учун махсус дренаж (зарур) лар ўтказган мақул.

Яхши сув ўтказувчан қопламалар ҳар хил тупроқдан табиий ва суъний аралашма тайёрланади.

Аралашма состави №6 таблицада берилган, улар мавжуд тупроқлар, ер ва об-ҳаво шароитига қараб белгиланади. Сапол аралашма (1 ва 2) энг мустаҳкам ва узоқ сақланади. Бу теннис кортларида кўпроқ ишлатилади. Тўп яхши сакраши, бузилмаслиги билан ажралиб туради.

/ишт охак аралашмаси мустаҳкам ва ҳар қандай об-ҳаво шароитига чидамлидир. Аралашмалар таблицадаги 3-4-5 графадагидан 3 чиси қўл тўпи ва баскетбол майдонлари учун, 4 чи волейбол ва бадминтон ва 5 чиси эса теннис майдонлари учун ишлатилади.

Қум тупроқ аралашмаси (6-7) энг арзон ва оддий бўлиб, тез бузилиши мумкин. Шунинг учун ҳам вақтинчалик майдонларда ишлатилади. Қўл тўпи ва теннис учун яхшилаб текисланган, қўлмак сувлар тўхтамайдиган чим (майса) майдонларда қуриш мумкин.

Бундай майдонлар юмшоқ ва гигиеник томондан қулай бўлиб, уларни тез-тез суғориб, ўриб туриш тавсия қилинади.

Табиий тупроқ майдончалари қуриш

Яхшилаб текисланган майдончани аввало ер 10-15 см қазиб олинади, ер, тош, томи рва бошқа нарсалардан тозаланиб, лойиха белгиларига қараб яна бир бор текисланади. Бир вақтнинг ўзида ён томонларидаги сув оқиб кетадиган шох ариқчалар қазилади. Ариқчанинг чуқурлиги 30 см. оғиш 0,001 бўлиши керак.

Майдонча атрофидаги ер сатхидан 5-10 см баланд бўлиши керак. текисланган майдонча қўл катогги (оғирлиги 200-300 кг) билан босиб чиқилади. Босиш вақтида шаблон тахтача ва нивелир билан текислиги текширилиб турилади. Охириги текислаб бостириб чиқишда майдонча яхшилаб ивителиди ва қуриш билан яна 5-7 марта каток билан босиб чиқилади. Охирида майдонча юзасига эланган қум сопилиб, каток юргизилади, ундан кейин қум тозалаб супириб ташланади.

Агарда майдонча қурилиши зарур бўлган жой ўта қумлоқ ёки лой бўлса, у ҳолда тупроқнинг саккиз бўлмаган жойидан ёки қумли тупроқ аралашмаси 2-10 см тўкилиб бош ёки плуг орқали яхшилаб аралаштириши керак, ундан кейингина қурилиши бошлаш мумкин.

Спорт иншооти классификацияси

СХЕМАСИ

Спорт иншоотлари

| Махсус | | Комплекс | |
|---|--|---|--|
| Очиқ | Ёпиқ | Очиқ | Ёпиқ |
| Спорт турлари бўйича майдонлар, футбол майдони, регби, устида чим | Спортзаллар, бас-сейинлар, манежлар, велодромлар отиш тирлари, | Стадионлар, спорт ядроси, комплекс майдонлар, комплекс бассейн- | Ёпиқ стадионлар спорт саройлари кўпзалли спорт корпуслари (бинолар). |

| | | | |
|--|--|--|---|
| хоккей, от спорти, камон отиш майдонлари. Енгил атлетика йўлаги, очик сузиш хавзаси отиш тири ва х.к. | шахмат-шашка клублари, теннис корти, катоглар. | лар хозирги замон кўп кураш геблия канали, яхтклублар сув спорти базалари. | Комплекс бино- ларда универсиал спортзаллар. Ёпиқ ва ярим очик мерганлик тир-лари. |
|--|--|--|---|

Мавзу: Шаҳар ва қишлоқ жойлардаги спорт иншоотлари мажмуалари

Р Е Ж А:

- 1.** Ўзбекистонда спорт иншооти тармоқларининг меъёри ва режалаштириш тартиби.
- 2.** Қишлоқ жойларда спорт иншоотлари тармоғини режалаштириш.
- 3.** Яшаш жойларидаги спорт иншоотлари мажмуалари.
- 4.** Стадионлар.
- 5.** Мактаб спорт иншоотлари.
- 6.** Ўрта махсус ва олий ўқув юртларидаги спорт иншоотлари.
- 7.** Спорт иншоотларидан фойдаланиш тартиб ва қоидалари.

Ўзбекистонда аҳоли яшайдиган зоналар қурилишини режалаштиришда ва қуришда яшовчилар учун барча шароитларни яратиш, киши табиий турмуш шароитларидан келиб чиқиб, спорт комплекслари қишлоқ ва шаҳар композицияси бир қисмини ташкил этади.

Хозирги кунда Ўзбекистонда спорт иншоотлари қурилиши қатъий режа асосида мамлакатнинг барча территорияларида бир текис жойлаштириш, бутун бир спорт иншоотлари тармоғини яратиш кузда тутилмоқда.

Спорт иншоотлари қурилиши мамлакат бўйича аҳолига маданий маиший хизмат кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда кундалик, вақти-вақти билан шуғулланиш ва зарур вақтларда машғулот байрамлар ўтказишда дифференциация қилиш асосида фойдаланиш ҳисобга олган ҳолда қурилади.

Жисмоний машқлар ва спорт билан шуғулланиш режими ундан ташқари шуғулланувчилар имконияти ва иш шароитлари ҳисобга олинган ҳолда эксплуатация ва технологик талаблар асосида шаҳар ва бошқа аҳоли яшайдиган зоналарда спорт иншоотлари жойлаштирилади.

Технологик талаб спорт иншоотининг эгаллайдиган жойи размери ва фойдаланиш мақсадида қараб аниқланади. Иккинчидан шаҳарлар қурилиши нормативларидан келиб чиқиб спорт иншооти эгаллайдиган майдон жойни ҳисобга олган ҳолада аниқланади. юқорида келтирилган норматив талаб асосида ҳар 1000 кишига ҳисоблаган ҳолда белгиланади.

Бизнинг шаҳарларимиз структураси унинг аҳоли яшовчи районларга бўлиш билан аниқланади, яъни ҳар бирининг майдони 250 га аҳолиси эса 20000 дан 100000 кишини, микрорайонлар районлар майдони 50 га, аҳолиси 2000 дан 20000 гача бўлса, микрорайон ичини ҳам уйлар гуруҳларга бўлиниб,

уларнинг майдони 1500-3000 кишини ташкил қилиши керак. Шаҳар статуси аҳолиси 20000 дан ошган аҳоли пунктларига берилади.

Спорт иншоот саноати аҳоли пунктларини 7000 ва 14000 киши яшайдиган посёлкаларга бўлинади.

Қишлоқ жойларда аҳоли яшайдиган зоналар қуйидагича бўлинади: Қишлоқ хўжалик райони марказлари аҳолиси 15000 кишини ташкил қилиш керак. Колхоз ва совхоз марказлари аҳолиси 2000-5000 киши ишлаб чиқариш бўлимлари аҳолиси 2000 кишигача.

Спорт иншоотларини қуришни режалаштиришда аҳоли яшаш жойларига максимум яқин бўлишини ҳисобга олиш зарур. Ҳар бир спорт иншоотига пиёда бориш ёки транспорт хизматидан фойдаланиш кераклиги ҳисобга олинishi керак.

Спорт иншоотини қуришни ҳисобга олиш ва режалаштиришда машғулот давомийлиги, яъни III ва II разрядли спортсменлар 1,5 - 2,5 соат юқори разрядли спортсменлар учун 2,5 – 3,5 соат систематик шуғулланиши ҳисобга олинади. Шунга мувофиқ кичик разрядли ва оммавий жисмоний тарбия билан шуғулланувчилар учун пиёда 20 минутда етиб бориш, катта класдаги спортчилар учун эса масофа 25-35 минут транспортда етиб бориш мумкин бўлиши керак.

кўп босқичли спорт иншоотлари тармоғи қуйидагича бўлиши мумкин.

1. Микрорайонлардаги кундалик машғулотлар учун мўлжалланган спорт иншоотлари кўп босқичи. Пиёда 5-7 минутда етиб бориш билан 50-500 метр радиусдаги зонага хизмат кўрсатади. Бунга комплекс спорт майдони, яъни гимнастика, енгил атлетика, баскетбол, волейбол, стол тенниси жойлашган бўлиб, майдонни 1200 м² ташкил қилади.

Микрарайонлар комплекси лойихаси составида:

а) 7 ёшгача болалар учун.

б) 7-10 ёшли болалар учун

в) 11-17 ёшли ўсмирлар ва катта ёшли аҳоли учун майдонларни ўз ичига олиши керак.

2. Район миқёсидаги иншоотлар болалар ва катта ёшдаги аҳоли билан систематик машғулот ўтказиш учун бирлашган физкультура спорт маркази лойихаси 20 минутда етиб боришга мўлжаллаб турилади.

3. Районлараро спорт секциялари ва умумий жисмоний тайёргарлик машғулотлари ўтказиш иншоотлари районлараро спорт марказлари транспортида 20 минутда бориб етиш мумкин бўлган зона қурилиши лойихада ҳисобга олиниши зарур.

4. Умумий шаҳар спорт комплекслари, айрим заллар, бассейнлар ва стадион ва бошқа иншоотларни лойихалашда жамоат транспортида 30 минут ичида етиб бориш мумкин масофада қурилади.

Шаҳарлардаги спорт иншоотларини состави, сони ва қурилиш бўладиган жойини кенглиги шаҳар ва қишлоқ қурилиши генерал планида аниқ кўрсатилади.

юқорида айтилган 7 ёшгача, 7-10 ёшга ва 11-17 ёшдаги болалар учун спорт комплекслари аҳоли яшайдиган гуруҳ уйлар ҳузурида бўлиши ва боғлар, хиёбонлар ва ховлиларда жойлашиши керак. Бундай майдонлар хўжалик объектлари, коммуникацияларидан, кўча ва йўлдан камида 20 метр четда бўлиши керак. Айри вақтларда мактаб спорт комплексида тутиш жойлаштириш ҳам мумкин. комплекслар районлараро хизмат кўрсатадиган бўлса, улар боғларга ва бошқа маданий марказларга яқин, коммуникациялардан, касалхона ва

автотранспорт магистрларидан четроқда бўлиши мақсадга мувофиқ. Транспорт бекатлари 50 метр узунлик тўлмаслиги керак.

2. Қишлоқ жойларда спорт иншоотлари ҳозирги даврда ҳар бир аҳоли пунктида спорт комплекси ёки комплекс спорт майдонлари типиде қурилади. Чунки бу комплексте бир вақтда спортнинг бир неча тури билан шуғулланиш мумкин. Спорт комплекси майдони ва хажми аҳоли сонига кириб белгиланади. Комплексте футбол, волейбол, баскетбол, енгил атлетика ва бошқа турлар учун шароит яратилади. Ундан ташқари «Алпомиш ва Барчиной» комплекси миллий спорт турлари учун ҳам шароит яратилиши зарур. Қишлоқ жойлардаги спорт комплекслари уч гуруҳга бўлинади: Район марказидаги спорт комплекси, колхоз-совхоз ва ишлаб чиқариш бўлимларида спорт майдонлари бўлинади. Район марказидаги комплекслар учун 5-6 га, колхоз-совхоз марказида 35-45 га ва бўлимларда 1-2 га жой ажратилади.

Ҳозирги давр амалиётида район спорт комплекси составида: стадион, сузиш бассейни, спортзал, отиш тири, бошқа спорт ўйинлар майдонлар қўшимча иншоотлар бўлиши керак.

Колхоз-совхоз спорт комплексларида спорт ариенаси трибуналари билан ёки кичкина стадионлар, спорт ўйинлари учун майдонлар, бассейн, спортзаллар, тир ва бошқалар бўлади.

Буларда эса футбол майдони, волейбол, баскетбол, қўл тўпи майдонлари енгил атлетика сектор ива бошқалар бўлиши керак.

3. Аҳоли яшаш жойларида спорт иншоотлари спорт ўйинлари учун майдончалар, бассейнлар, кичгина спорт заллар, подвалларда жойлашган спортзаллар ва х.к.

1) Зона одихлар ва улардан спорт базалари.

2) Уйлар ўртасидаги спорт майдончалари.

3) Истирохат боғлари яқинида спорт майдонлари.

4. Стадионлар энг йирик спорт комплекси ҳисобланди. Стадионлар Собик иттифоқда да ва чет мамлакатларда 80000-100000 томошабинларни сиғдириш мумкин бўлган трибуналарга эгадир. Бизда лекин номли стадион 103 минг, Варшава, Будапешт, Берлин ва кўпчилик стадионлар 100000 томошабин сиғдиради.

Рио-да Жанейро (Бразилия) даги стадион «Маракана» стадионига 205 минг киши жойлашади. Катта шаҳарда ҳар 1000 кишига 0,35 га ер ажратилиб стадион ва бошқа иншоотлар қурилади.

Кичкина стадионлар 5-10 га ерга қурилиб 2000-7000 га ўринли бўлади қишлоқларда 3,5 га ер ажратилади. Аҳолиси 150 дан 200 мингача бўлган шаҳарда ер майдони 15-20 га ер ажралиб, трибунага 10-12 минг томошабин жойлашади.

Катта стадионлар 25 га ерга жойлашган бўлиб, камида 25 минг ўринли трибунага эга бўлади.

Стадионлар гинерал режаси

1. Спорт зонаси.
2. Ўқув-спорт зонаси.
3. Адмнистратив хўжалик зонаси.
4. Дам олиш ва умумий жисмоний тайёргарлик зоналари белгиланади.

Мактаб спорт иншоотлари

Спорт майдонлари ва майдон турларига қараб 7 турга бўлинади:

Биринчи типдаги майдонга: Бу майдонда ўқув ишлари ва енгил атлетика, волейбол, баскетбол бўйича мусобақалар ўтказиш мўлжалланади.

Уни составида:

- 1) Югуриш йўллари 135 м бўйига, энига 7,5 метр.
- 2) Айланма йўлак 200 метр, эни 5 м. 4 йўлак.
- 3) 2 та сакраш чуқурчаси 2,75x6 м.
- 4) Ядро ирғитиш жойи.
- 5) Сакраш учун универсал чуқурлик, яъни узунлик ва баландликка сакраш.
- 6) Ўрнidan туриб сакраш.
- 7) Гимн. стенка (нарвон).
- 8) Волейбол майдони.
- 9) Баскетбол майдони.

Енгил атлетика қуввати 80-100 кишини, спорт ўйинларидан 40-50 киши етади.

II типдаги майдонча

Ўқув ишларининг гимнастика бўлимига бағишланади. Унинг состави.

1. Аралаш қурилмада гимнастик снарядлар жойлашган бўлиб, колце, тринпция, канатлар, шест, гимн, нарвон ва перекдадине.

2. Гимн. нарвон 12 қатор.

3. Эгилувчан гимн. стенка.

4. Суяниб сакраш учун 5x15 м чукур узунликка сакраш учун хам фойдаланиш мумкин. хамма майдони 600 м² бир вақтда 40-50 одам шуғулланиши мумкин.

III типдаги майдонча

Ўқув ишлари учун мўлжалланган бўлиб, футбол, кўл тўпи ва диска, копья, граната ва тўп улоқтириш учун майдончаларни ўз ичига олади.

Унинг состави:

1. Футбол майдони 40x60 м шунинг ичида 2 кўл тўпи майдони жойлашади. (20x40м) диска улоқтириш жой. Футбол майдони томон отилади. Умумий майдони – 2950 м².

III А, IIIБ шунга ўхшаш, майдончалар янада комбикировать қилинади. Умумий майдони 1950-4390 м².

IV тип майдонча волейбол ва баскетбол майдончалари жойлашади. Умумий майдони 540 м².

У тип майдонча: волейбол ва баскетбол майдони бўлиб, бир вақтда шуғулланиши мумкин. Умумий майдони – 480 м².

VI тип майдони. Стол тенниси учун 8 x18 м. 4 та стол қуйилиб, 15-25 киши шуғулланади.

VII тип майдони фақат волейбол учун майдон 15x24 м. Бир вақт 15-25 киши шуғулланиши мумкин.

VIII тип майдони: гимнастик шаҳарча майдони 800 м². Бир вақтда 35-40 киши ўқув дарсида, 15-20 киши. Шундай қилиб 6 типдаги спорт ариенаси мавжуд.

1. Футбол майдони атрофида чопиш йўлаги. Волейбол ва баскетбол майдони, баландликка ва узунликка сакраш чуқурчалари, енгил атлетика секторлари бўлади. Спорт ядроси размери 67,5x150 м.

2. Тип спорт ядроси худди 1 с.я. ухлаш фақат футбол майдони 40x80м. чопиш йўлаги – 300 м. умумий майдони 60x136 м.

3. Тип с. ядроси ф.м. 35x70 м. чопиш йўлаги узунлиги 250 м. умумий майдони 50x116 м.

4. Тип с.ядроси футбол майдонисиз қурилиб 43x83,5 м. жойга қурилади.

5. Тип с.ядроси футбол майдонисиз қурилиб чопиш йўлак-150 м. радиус повраги В.М. Вижажлар орасидаги масофа 33,2 м. Умумий майдони 37x73 м.

VI Тип с.я. йўлаги 125 м. бурилиш жойи радиуси 10 м. марказ бурилиш чизиғи ораси 30,14 см. умумий майдони 33x63 м.

Ўрта ва Олий махсус ўқув юртлари спорт иншоотлари

Ўрта махсус ўқув юртлари спорт иншоотлари 16, 24, 32, 48 ва 64 ўқув гуруҳига мўлжаллаб студент сони 480, 720, 960, 1440 ва 1920 кишини ташкил қилиши ҳисобга олинади.

Бир аҳоли пунктида ўқув юртлари ягона спорт маркази ташкил қилиши мумкин. 4 тип спорт заллари лойихаси тузилади: 18x36x8 м. 1920 ўқувчига 18x30x7 м. 960-1440 ўқувчига, 12x26x6 м, 480x720 ўқувчи 9x18x5 м. зал.

Ундан ташқари ўқув тури, IIx25 м. бассейн планташтирилади. Умумий майдони, 4900 м², 9600 м², 4390 м² ва 2950 м² майдонларда ўйин майдонлари қурилади.

В У З И

Олий ўқув юртлирига 1000-4000 студентга эга бўлган (кундузи бўлимда) гуманитар ВУЗ лар ва 2000-10000 студенти университет ва техник вузларга расмий қилинади.

- Спорт ўйинлари учун зал 24x42м.

- Гимн. зал 18-36 м. студент сонига заллар 2,3 ва 4 та бўлиши мумкин. 2000 студенти бўлган Вузга 18-36 м. залга қўшимча 18-18 м. зал қурилади. Спорт манежи 30-126 м. йўлаги билан 200 м бассейин 25x58 м. Футбол майдони 63-94 м.

2000 студенти бўлган Вузга учун қўл тўпи майдони, гимн шаҳарчаси. 4 теннис майдони, 3 волейбол майдони, 2 баскетбол майдони ва х.к.